

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯРАТИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

**Олимжонова Мафтунахон Олимжон қизи**

Андижон давлат университети Жисмоний маданият факультети Жисмоний маданият йўналиши 2 босқич 213 гуруҳ талабаси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақоламиизда ўсиб келаётган ёш баркамол авлодни жисмоний тарбиялашда соғлом турмуш тарзига эришиш, болаларнинг ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини шакллантириш, ҳамда соғлом турмуш тарзини яратишда жисмоний тарбияни роли атроф-мухитга муносабатини тўғри йўналтириб бориши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Экология - (юонча – уй, туар жой ва ....логия) – организмдан ҳар – хил даражада юқори турадиган системалар; популатциялар, биотсенозлар, биогеотсенозлар (экосистемалар) ва биосферанинг тузилиши, уларда кечадиган жараёнларни ўрганадиган биол. Фанлар мажмуюи.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы пропаганды здорового образа жизни в физическом воспитании подрастающего поколения, формирования спортивных навыков у детей в соответствии с их возрастом, а также роль физического воспитания в формировании здорового образа жизни и правильного отношения к окружающей среде.

**Ключевые слова :** Экология - (греч. – дом, жилище и ...логия) – системы находящиеся на разных уровнях над организмом; популяции, биоценозы, биогеоценозы (экосистемы) и структура биосфера, биол, изучающая процессы, происходящие в них набор наук.

## ANNOTATION

This article discusses the issues of promoting a healthy lifestyle in the physical education of the younger generation, the formation of sports skills in children according to their age, as well as the role of physical education in creating a healthy lifestyle and the right attitude to the environment.

**Keywords:** Ekologiy - (Greek – house, dwelling and ... logy) – systems that are at different levels above the organism; ecosystems, biocenoses, biogeocenoses (ecosystems) and the structure of the biosphere, the soil that studies the processes that take place in them. Set of sciences.

Ёшларнинг турмуш тарзини соғломлаштириш, спортчиларни фақат жисмонан таёrlабгина қолмай, балки уларнинг мағкурасини экология дин тушунчаларини воситаси янада бойитиб, табиатга, атроф-мухитга муносабатини тўғри йўналтира бориш мақсадга мувоффиқдир.

Тоза ҳаво, соғлом мухид диёrimizning ҳар бир фуқаросидан келажагимиз бўлган ёш авлоддан соғлом фикр, яхши аҳлоқ, илмга чанқоқлик ва кенг дунё қарашни ривожлантиришни талаб қиласди.

Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона одоб-аҳлоқ ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни ҳам тушунамиз.

Атроф-мухит мухофазасини ташкил этиш ва амалга аширишда турли чоратадбирларни қўллаш билан бирга она табиатни, жамиятнинг барча аъзоларини энг ёш фуқаролардан тортиб, кекса кишиларгача асраб-авайлашга, уларга нисбатан онгли муносабатда бўлишга, табиат манбаларидан тежаб-тергаб меёрида фойдаланишга, салбий, фожиавий ҳолатларнинг олдини олишга хулас, атроф-мухитни доим пок сақлашга муентазам даъват этиш мухим вазифамиздир.

Ҳақиқатдан ҳам, экология – бу поклик, озодалик, тоза замин, об-ҳаво, сув қолаверса она табиатни энг онгли аъзоси инсоннинг ижобий табиати, фелатвори демакдир.

Аҳолининг онгига “Табиат- бу мен ва сен, биз яшайдиган макон, табиат-бутун ер қурраси, мавжудодлари яшайдиган ягона замин” деган асосий назарий ва амалий билимларини сингдириш лозимдир. Жаҳоннинг барча мамлакатларида экология муаммоларини ўрганиш борасида илмий изланишлар халқнинг соғлигини сақлаш учун қилинган хайрли ишлардан ҳисобланади.

Мариатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё момот, ё нажот – ё халокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Шундай экан миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз керак.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат деб такидламоқ учун барча асослар бор. Республикаизда ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий – техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими – бу диёрда меҳнатсевар ва истеъодли халқ яшайди.

Дин табиатни пок асрарда, инсонлар ўртасида меҳр – оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Хўш бугунги кунда, биз барпо этаётган янги жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қўрилиши лозим. Бу масала кониситутцияизда очик ойдин ифода этилган. Яъни республикаизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамият ажиратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғулаштириш тақозо этилади. Назаримизда улуғ аждодларимиз, Бухорои шарифнинг буюк фарзанди Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади.

Экологик таълим – тарбия жараёни қадимдан мавжудлиги бизгача сақланиб келган бир қатор нодир ва азиз ҳисобланмиш асарлардан маълум.

Масалан, Қурони Карим ёки Хадиси шарифларада экологик тарбия ҳақида ёрқин фикирлар баён қилинган. Шунингдек, кўпинча буюк алломалар ҳам ўзларининг илмий асарларида коинот ва замин одамлар таъсирида гуллаб яшнаши ва аксинча бузилишини таъкидлаб ўтишган.

Биргина “Тангри гўзалдир, гўзалликни яхши кўради” хадиси экологиянинг, тпълим – тарбиянинг барча фазилатлари, хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Мухаммад Мусо Ал – Хоразмий, Абу Носир Ал – Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалар табиат фанларини ривожлантиришга катта хисса қўшганлар ва шу билан бирга табиат ва ундаги муволзанат, ўсимлик ва Ҳайвонот дунёси табиатни эъзозлаш ҳақида ажойиб таълимотларни қолдирғанлар.

Ҳар қандай тарбия асосан оила шароитида кечади. Ўзбек оиласидан “ҳаром – халол”, “увол”, “туноҳ – савоб” каби тушунчалар кўпроқ экологик вазият (масалане нонни оёқ остига тушиши, сувни ифлос қилиниши, жониворларга шавқатсиз муносабатда бўлиш, до – дараҳтларни синдириш ва бошқалар) юзага келганда қўлланилади. Болалар ҳали бу сўзларни моҳиятини тўлиқ тушунмасаларда уларда миллий экологик хулқ – атвор шаклланади.

Хуллас, дин орқали, ҳадис ва ҳикматларорқали инсон онгини атроф – мухитдаги ҳар – хил тажавузкор таъсирлардан тадбиркорлик билан химоя қилиш авлодимиз саломатлигини ва тинчлигини сақлаш имконини беради.

“Биз дин бундан буён ҳам ахолининг энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд бўлиш тарафдоримиз”

Шуни алоҳида такидлаш жойизки, соғлом авлодни тарбиялашда, соғлом жамиятни шакллантиришда ҳамда бунинг пойдевори бўлгин тоза экологик мухитни яратишда жисмоний тарбия ва спортнинг тутган ўрни бекиёсдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Ўзбекистон 1998. й.
2. И. А. Каримов Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Т. “Ўзбекистон”, 2009. й.